

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Республика таълим маркази**

**Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат
ихтисослаштирилган умумтаълим
муассасаларининг 3-синфи учун Одобнома
фанидан 0,5 соатга қисқартирилган**

Ўқув дастури

ТОШКЕНТ-2015 йил

Тузувчи муаллифлар:

З. Замонов – Республика таълим маркази “Миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойиллар” туркумига кирувчи фанлар бош мутахассиси,

М. Холиқова, Ш. Эргашева – 3-синф Одобнома дарслиги муаллифлари.

УЎҚИТИРИШ ХАТИ

“Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” туркумига кирувчи фанлар дастурларининг биринчи босқичида, бошланғич синфларда ўқитиладиган “Одобнома” фани ҳисобланади. Мазкур фан 1-4 синфлар кесимида ҳар бир синфда 34 соат ҳажмида ўқитилади.

3-синфда ҳам “Одобнома” фани 34 соат ҳажмида ўқитилади. Давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабларининг 3-синфлари учун Одобнома фанидан 34 соатлик ҳажмда берилган мавзулар қисқартирилиб, кичик мавзучалар асосий мавзулар ичига сингдириб юборилди ва 0,5 соатга қисқартирилди.

“Одобнома” фанининг мақсад ва вазифаси ёш авлод қалбига миллий ва умумбашарий кадриятлар асосидаги одоб-ахлоқ меъёрларини сингдиришдан иборат.

“Одобнома” дарслари ўқувчиларда миллий мафкурамизнинг асоси бўлган ахлоқ-одоб меъёрларининг дастлабки тушунчалари, умуминсоний кадриятларнинг дастлабки кўникмаларини шакллантириш ва уларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Ушбу тушунчалар халқ оғзаки ижоди, ибратли ривоятлар, мақоллар, таниқли адибларнинг кичик ҳикоялари, шеърлари орқали шакллантирилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги Ф-1322-сонли фармойиши асосида “Конституция алифбоси” курси “Одобнома” фани таркибига сингдириб ўқитилади.

Билим:

- Ўзбекистон Республикаси – мустақил давлат эканлигини билиш;
- Ватан остонадан (оиладан, маҳалладан) бошланиши ҳақидаги тушунчаларни билиш;
- ўзи яшаб турган диёрдаги тарихий обидаларни, мустақиллик йилларида бунёд этилган иншоотларни ҳамда муқаддас қадамжолар ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- Юртимизда яшаб ижод этган алломалар ҳақида билиш;
- Инсон гўзаллиги ахлоқ-одоби билан эканлигини билиш;
- халқ мақоллари, муқаддас китоблардаги ибратли сўзлар ва ибораларни билиш;
- тежамкорликнинг баракаси, исрофгарчиликнинг оқибатлари ҳақидаги тушунчаларни билиш;
- бозордаги тартиб қоидаларни билиш;
- эҳтиёткорлик ва ҳавфсизлик қоидаларини билиш.

Кўникма:

- Юртимизда яшаб ижод этган алломалар ҳақидаги ривоятларни ҳикоя қилиб бериш;

- одоб -ахлоқ қоидаларига доир амалий машқлар бажара олиш;
- ҳалоллик, тўғрилиқ тушунчаларни англаш;
- зиёрат одобини билиш;
- одоб-ахлоққа оид мақолларни мазмунини тушуниш;
- жамоат жойларида ўзини тутиш одобига риоя қилиш;
- касблар ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- халқ ўйинларини турларини билиш.

Малака:

- Олган билимлари асосида мустақил фикр юрита олиш;
- дарсликда берилган саволларга мустақил равишда тўғри жавоб беришга ҳаракат қилиш;
- матнда берилган воқеаларга мустақил равишда муносабат билдира олиш;
- ўз фикрини эркин ифодалай олиш;
- одобли бўлишга шахсий намуна кўрсатишга ҳаракат қилиш;
- Яхши ва ёмон одатлар ҳақида кичик ҳикоя туза олиш;
- Ҳалоллик, тўғрилиқ қоидаларига риоя қилиш;
- Ўқиган эртаклар ва ривоятларга муносабат билдира олиш, мазмунини гапириб бериш, хулоса чиқариш.

**Давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабларининг
3-синфлари учун Одобнома фанидан 0,5 соатга қисқартирилган
ўқув дастурининг мавзулари**

1-дарс: Ўзбекистон – Мустақил давлат (1 соат).

Ўзбекистон Республикаси – Мустақил давлат. Ислон Каримов – Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти. Конституциямизда болалар ҳуқуқи.

2-дарс: Она юртинг – олтин бешигинг (1 соат).

Ватан муқаддас. Ватанинг – онанг.

3-дарс: Ватанни севиш нима?

Ватанимиздаги тарихий обидалар – Регистон, Ичан қалъа, Минораи Калон, Ҳазрати Имом, Имом Бухорий мажмуалари ҳақида.

4-дарс: Назорат иши (1 соат).

5-дарс: Болалик – беғуборлик, кексалик – донолик (1 соат).

Болалик – беғуборлик, кексалик – донолик.

Кексаларни ардоқлайлик.

Бола ҳуқуқлари. “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонун ҳақида.

6-дарс: Донолар ўғитлари (1 соат).

Ҳадис ҳақида тушунча. Муқаддас китобларда болалар одоби ҳақида.

Донолар одоб-ахлоқ, дўстлик ҳақида.

7-дарс: Сахийлик ва бахиллик ҳақидаги ўғитлар. Совға бериш ва совға олиш одоби.

8-дарс: Такрорлаш (1 соат).

9-дарс: Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик (1 соат).

Меҳнат инсон ҳаётини безайди.

Касблар олами. Подшонинг ҳунар ўргангани ҳақида эртак.

10-дарс: Соғ танда – соғлом ақл (1 соат).

Орасталик – инсон кўрки. Орасталик қоидалари.

Тозалик – соғлиқ гарови.

Озодалик ва саранжомлик.

11-дарс: Тежамкорлик (1 соат).

Боболаримиз тежамкорлик ҳақида. Тежамли бола – бежамли бола.

Ноннинг ушоғи ҳам – нон.

Сув – ҳаёт манбаи.

12-дарс: Назорат иши (1 соат).

13-дарс: Табиат – гўзаллик рамзи (1 соат).

Биз яшаётган олам.

Мен – табиатни қандай асрашим мумкин.

Ҳайвонлар билан муносабат.

Табиат қўйнига саёҳат.

14-дарс: Ривоятлардаги ҳикматлар (1 соат).

Ривоятлар тарихимиздан сўзлайди. Наврўз ҳақида ривоят. Сумалак ҳақида ривоят.

15-дарс: Халқ ўйинлари (1 соат).

Ўйин одоби. Ҳаракатли ўйинлар – соғлиқ гарови. Тез фикрлаш, чаққонлик мусобақалари.

16-дарс: Назорат иши (1 соат).

17-дарс: Умумлаштирувчи дарс (1 соат).

3-синф “Одобнома” фанидан 17 соатлик ТАҚВИМ-МАВЗУ РЕЖА

Т/р	Мавзулар	Соат
	3-синф	
	1-чорак	
1-дарс	Ўзбекистон – Мустақил давлат	1
2-дарс	Она юртинг – олтин бешигинг	1
3-дарс	Ватанни севиш нима?	1
4-дарс	Назорат иши	1
	Жами	4
	2-чорак	
5-дарс	Болалик – беғуборлик, кексалик – донолик	1

6-дарс	Донолар ўғитлари	1
7-дарс	Сахийлик ва бахиллик ҳақидаги ўғитлар	1
8-дарс	Такрорлаш	1
	Жами	4
	3-чорак	
9-дарс	Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик	1
10-дарс	Соғ танда – соғлом ақл	1
11-дарс	Тежамкорлик	1
12-дарс	Назорат иши	1
	Жами	4
	4-чорак	
13-дарс	Табиат – гўзаллик рамзи	1
14-дарс	Ривоятлардаги ҳикматлар	1
15-16-дарс	Халқ ўйинлари	2
17-дарс	Умумлаштирувчи дарс	1
	Жами	5